



## QASHQADARYO VILOYATI MIRISHKOR TUMANI HOKIMINING QARORI

181000 O'zbekiston Respublikasi Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumani Yangi Mirishkor shaharchasi, tel: 652-18-58, 652-10-34, faks-652-14-65, 652-19-48  
2021 yil "30" yanvar HQ-65/01- sonli Yangi Mirishkor shaharchasi

### **Миришкор тумани худудидаги транспорт воситаларини 2021 йилда мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ти Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарори ҳамда 2019 йил 30 марта 272-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий тарзда техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорига асосан, туман худудидаги транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил қилиш ва уни ўтказишни таъминлаш мақсадида,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Туман ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси туман худудидаги тегишли транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштиrsин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли қарорига асосан жисмоний шахсларга тегишли M1 тоифадаги транспорт воситаларининг техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, нормаларига мувофиқлиги тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши таъминлансин.

3. Туманда транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун маҳсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилғанлығында беш йилдан күп бўлмаган (ишлаб чиқарилған йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилған транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилған йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилғанлығында беш йилдан ортиқ бўлған транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилған вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилған транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

д) навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилған муддатларидан қатъи назар, уларни ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е) улар ишлаб чиқарилған йилдан қатъи назар, ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилған (қайта рўйхатдан ўтказилған) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилған ҳолатлар бундан мустасно).

3. Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилған транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта - 1 мартдан 30 июнгacha;

иккинчи марта - 1 сентябрдан 31 октябргacha ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлған транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнга қадар ўтказилади.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлған транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 августга қадар ўтказилади.

4. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги автотранспорт воситаларини 2021 йилги техник кўригини ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги автотранспорт воситаларини 2021 йилги техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

6. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Орзиев ва Қашқадарё вилояти Транспорт бошқармасининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти Миришкор туман вакилига:

2021 йил 1 февралга қадар йўлларда ҳаракат ҳавфизлигини таъминлаш комиссиялари билан ҳамкорликда, юридик шахслар раҳбарларини жалб қилган ҳолда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ҳамда уни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширилиши устидан назорат ўрнатилсан;

транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида туман ички ишлар бўлими-“йўл ҳаракати

хавфсизлиги бўлинмаси”, мудофаа ишлари бўйича туман бўлими вакиллари ва юридик шахсларнинг муҳандис-техник ҳодимларидан иборат ишчи гурухлар тузилсин;

туман ички ишлар бўлими “йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси” билан биргаликда фаолияти тугатилган, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар тасарруфида бўлган транспорт воситаларини, тиркамаларини, яrim тиркамаларини аниқлаш ҳамда уларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш чораларини кўрсинг;

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш ҳавфсизлигини таъминлашга доир тадбирларни тасдиқлаш ҳакида”ти қарори талаблари ижросини таъминлаш, йўловчиларга самарали транспорт хизмати ҳамда уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида шаҳардаги барча тижорат асосида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи юридик шахслар тасарруфидаги ишлаб чиқарилган йили 10 йилдан ошган барча турдаги автобус ва кичик автобусларларнинг мажбурий кўриги ўтказилишини ташкиллаштирилсин.

8. Туман ички ишлар бўлимининг тегишли хизматлари ҳодимлари жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларга қарашли бўлган автомототранспорт воситаларини тўлиқ мажбурий техник кўриқдан ўтказилишини таъминласин.

9. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жавдалига асосан автобус ва кичик автобусларни мажбурий техник кўриқка тайёрлаш ва тақдим этиш юридик шахслар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилсин.

10. Ўрнатилган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтмаган автобус ва кичик автобуслардан фойдаланиш таъқиқлансин.

11. Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари мажбурий техник кўрик бошланишидан камида 10 кун олдин вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳизмати бошқармасининг туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлинмасига (ТРИБ) мавжуд транспорт воситалари ҳақидаги маълумотларни таққослаш учун тақдим этилсин.

12. Йил якуни бўйича техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситалари рўйхати йилнинг 1 ноябригача электрон ва босма шаклларда шакиллантирилиб, бошқарма техника назорат бўлимига тақдим этилсин.

13. Охирги уч йил давомида мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг тасдиқланган рўйхатига асосан автомототранспорт воситалари эгаларининг турар жой манзили бўйича, фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузмаган ҳолда, уларнинг розилиги билан инвентаризациядан ўтказилишини таъминлансан ва яроқсиз

деб ҳисобланган тақдирда белгиланган тартибда рўйхатдан чиқариш ицилари амалга оширилсин.

14. Туман “Миришкор Машъали” газетаси (Ф.Омонов)га:

транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлашнинг асосий гарови эканлигини тарғиб қилиб бориш тавсия этилсин.

15. Туман ҳокимининг 2020 йил 05 февралдаги HQ-957/01-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

16. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

17. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Арзиев зиммасига юклатилсан.

Туман ҳокими

Ш.Ч.Санаев  
MIRISHKOR TUMAN HOKIMIYATI  
ASLIGA TO'G'RI



**Миришкор тумани ҳокимининг  
2021 йил 30 январдаги  
HQ-65/01-сонли қарорига  
1-илова**

**Миришкор тумани хўжалик, корхона ва ташкилотлардаги автотранспорт  
воситаларини 2021 йилги техник кўригидан ўтказиш бўйича комиссия**

**ТАРКИБИ:**

О.Х.Шомуродов

Комиссия раиси, ТИИБ ЙХХБ бошлиғи

**АЗОЛАРИ:**

- |               |  |
|---------------|--|
| 1. Б.Турсунов | Туман “Ватанпарвар” МКТ раҳбари                |
| 2. З.Ҳамидов  | Туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи            |
| 3. Ё.Жалолов  | Туман ЙХПТФК бошлиғи                           |
| 4. М.Бадалов  | Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозири |
| 5.Ж.Жўраев    | Қашқадарё вилоят Транспорт бошқармаси ходими   |
| 6.А.Асатов    | Жамоатчилик вакили                             |
| 7.А.Хидиров   | Жамоатчилик вакили                             |

**Миришкор тумани ҳокимининг  
2021 йил 30 январдаги  
HQ-65/01-сонли қарорига  
2-илова**

**Миришкор туманида мавжуд бўлган ташкилот, корхона ва автохўжаликларга  
тегишли транспорт воситаларининг 2021 йилги мажбурий  
техник кўрикдан ўтказиш  
ЖАДВАЛИ**

<b>№</b>	<b>Автохўжалик ва ташкилотлар номи</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Кўрикдан ўтадиган вақти</b>	<b>Вақти</b>	<b>Кўрикдан ўтадиган жойи</b>	<b>Транспорт воситаси сони</b>
1	Хокимлик	Янги Миришкор шаҳарчаси	10.04.2021	9-00	Хокимлик гаражида	11
2	Тиббиёт бирлашмаси	Янги Миришкор шаҳарчаси	17.04.2021	9-00	Тиббиёт бирлашмаси гаражида	8
3	ДСЭНБ	Янги Миришкор شاҳарчаси	17.04.2021	9-00	Миришкор Автокорхонаси МЧЖ	2
4	Туман электр тармоқлари	Янги Миришкор шаҳарчаси	19.04.2021	9-00	Туман электр тармоқлари гаражида	1
5	МКТ Ватанпарвар ташкилоти	Янги Миришкор шаҳарчаси	19.04.2021	9-00	МКТ Ватанпарвар ташкилоти гаражида	13
6	Миришкор туман ЙХПТФД корхонаси	Янги Миришкор шаҳарчаси	20.04.2021	9-00	Миришкор туман ЙХПТФДК гаражида	7
7	F.Ғулом КНШХ	Авазчул қишлоғи	28.04.2021	9-00	F.Ғулом КНШХ гаражида	5
8	Оллоберди- мадади ММТП	Жейнов қишлоғи	31.04.2021	9-00	Оллоберди- мадади ММТП гаражида	3
9	Миришкор автокорхонаси МЧЖ	Янги Миришкор шаҳарчаси	26.04.2021	9-00	Миришкор Автокорхонаси МЧЖ	15

10	Турон-Миришкор ММТП	Янги Миришкор шаҳарчаси	07.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	3
11	Миришкор Ихтисослаштирилган КТК	Янги Миришкор шаҳарчаси	07.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	5
12	Миришкор туман ИТБ	Миришкор қишлоғи	10.05.2021	9-00	Миришкор ИТБ гаражида	28
13	Миришкор туман "Саховат" ИЧК	Янги Миришкор шаҳарчаси	10.05.2021	9-00	Миришкор Автокорхонаси МЧЖ	8
14	Миришкор туман "Кишхужаликки мё" ОХЖ	Жейнов қишлоғи	11.05.2021	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	9
15	"Миришкор машъали" газетаси	Янги Миришкор шаҳарчаси	12.05.2021	9-00	Миришкор Автокорхонаси МЧЖ	2
16	Ёрқинбек Бунёдкор Ихтисослаштирилган КТК	Жейнов қишлоғи	13.05.2021	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	5
17	Бунёдкор ишлаб чикариш МЧЖ	Жейнов қишлоғи	14.05.2021	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	2
18	Ободонлаштириш бошқармаси	Янги Миришкор шаҳарчаси	15.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	10
19	"Тоза худуд" ДУК	Янги Миришкор шаҳарчаси	16.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	8
20	Миришкор туман Молия булими	Янги Миришкор шаҳарчаси	17.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	2
21	Миришкор туман Халқ таълими бўлими	Янги Миришкор шаҳарчаси	18.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	2
22	Миришкор туман Мактабгача таълим бўлими	Янги Миришкор шаҳарчаси	19.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	1

23	Миришкор туман Ветиринария лабараторияси	Янги Миришкор шаҳарчаси	20.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	8
24	Жейнов авто нур НТМ	Жейнов шаҳарчаси	21.05.2021	9-00	Ахмаджон-Ихтиёрович МЧЖ гаражида	3
25	Қишлоқ ва Сув хўжалиги бошқармаси	Янги Миришкор шаҳарчаси	22.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	2
26	Камалак фермер хўжалиги	Обод қишлоғи	23.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	5
27	Файзуллохон Лутфиев фермер хўжалиги	Обод қишлоғи	24.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	3
28	Бейкер-Хьюз кўшма корхонаси	Янги Миришкор шаҳарчаси	25.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	2
29	Миришкор Махсус авто хизмат МЧЖ	Янги Миришкор шаҳарчаси	26.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	4
30	Миришкор Алоқа савдо МЧЖ	Янги Миришкор шаҳарчаси	27.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	3
31	Миришкор туман Халқ банки филиали	Янги Миришкор шаҳарчаси	28.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	2
32	Миришкор туман Агробанк филиали	Янги Миришкор шаҳарчаси	29.05.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	1
33	Турон Агротехсервис МЧЖ	Янги Миришкор шаҳарчаси	01.06.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	1
34	Янгибой фермер хўжалиги	Чандир қишлоғи	01.06.2021	9-00	Ўз жойида	6
35	Ахмаджон Ихтиёрович МЧЖ	Жейнов шаҳарчаси	02.06.2021	9-00	Ахмаджон-Ихтиёрович МЧЖ гаражида	2

36	Аввона меъмор хусусий корхонаси	Жейнов шаҳарчаси	03.06.2021	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	3
37	Абдугаффоров Зафарбек Улугбекович ХК	Жейнов шаҳарчаси	04.06.2021	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	6
38	Абдумалик Хикматиллаевич хусусий фирмаси	Жейнов шаҳарчаси	05.06.2021	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	4
39	Алибеков Амирхон фермер хўжалиги	Элаобод қишлоғи	06.06.2021	9-00	Ўз жойида	2
40	Ўзқишлоқ хўжаликмаш лизинг	Миришкор қишлоғи	07.06.2021	9-00	Миришкор Автокорхонаси МЧЖ	2
41	Баротов Хонибой Ражабович фермер хўжалиги	Миришкор қишлоғи	08.06.2021	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	2
42	Бахтиёров Асилбек хусусий фирмаси	Элаобод қишлоғи	09.06.2021	9-00	Ўз жойида	2
43	Бердиев Баҳриддин Темирович фермер хўжалиги	Жейнов шаҳарчаси	10.06.2021	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	3
44	Бизнес Тараққиёт саҳоват МЧЖ	Жейнов шаҳарчаси	11.06.2021	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	2
45	Ёшлиқ хусусий савдо дўкони	Жейнов шаҳарчаси	12.06.2021	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	2
46	Жейнов Замин кўзгуси фермер хўжалиги	Жейнов шаҳарчаси	13.06.2021	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	2
47	Ислоҳатчи курилиш ИКТК	Жейнов шаҳарчаси	14.06.2021	9-00	Оллоберди-мадади	3

					ММТП гаражида	
48	Жейнов кузгуси хусусий корхонаси	Жейнов шахарчаси	15.06.2021	9-00	Оллоберди- мадади ММТП гаражида	2
49	Замин Агротехсервис	Жейнов шахарчаси	16.06.2021	9-00	Оллоберди- мадади ММТП гаражида	2
50	Зармас Нон-Мак хусусий корхонаси	Гулистон қишлоғи	17.06.2021	9-00	Ўз жойида	2
51	Миришкор савдо МЧЖ	Жейнов шахарчаси	18.06.2021	9-00	Оллоберди- мадади ММТП гаражида	2
52	Намозов Акбар Азаматович фермер хўжалиги	Миришкор қишлоғи	19.06.2021	9-00	Турон- Миришкор ММТП гаражида	2
53	Шахбоз Бахриддинович МЧЖ	Авазчул қишлоғи	20.06.2021	9-00	Ўз жойида	7
54	Тошев Рўзибой Сайфуллаевич фермер хўжалиги	Жейнов шахарчаси	21.06.2021	9-00	Оллоберди- мадади ММТП гаражида	3
55	Сирожиддин Садриддинович МЧЖ	Авазчул қишлоғи	22.06.2021	9-00	Ўз жойида	2
56	Шариф бобо фермер хўжалиги	Қурама қишлоғи	23.06.2021	9-00	Ўз жойида	3
57	Хасанов Бахтиёр фермер хўжалиги	Гулистон қишлоғи	24.06.2021	9-00	Ўз жойида	3
58	Фарид авто тех сервис МЧЖ	Авазчул қишлоғи	25.06.2021	9-00	Ўз жойида	3
59	Шахриёр Лазизович хусусий корхонаси	Янги Миришкор шахарчаси	26.06.2021	9-00	Миришкор Автокорхонаси МЧЖ	3
60	Бахористон Нон-Мак МЧЖ	Помук қишлоғи	27.06.2021	9-00	Ўз жойида	2

61	Бошқа хусусий корхона ва фирмалар		01.03.2021 йилдан 30.06.2021, йилгача	9-00	Хар қайсисини ўз массивлари гаражида	59
62	Туман фермер хужаликлари		01.03.2021 йилдан 30.06.2021 йилгача	9-00	Хар қайсисини ўз массивлари гаражида	74

Эслатма: Туманда барча шахсий автотранспорт воситалари хар куни соат 8-00 дан 17-00 га қадар ҳафтанинг якшанба кунидан ташқари Миришкор туман ИИБ ЙХХ гурухи майдончасида кўрикдан ўтказилади

**Миришкор туман ИИБ ЙХХБ  
бошлиғи капитан**

**О.Шомуродов**